

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 19-ҳадис

19 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا يَسْتُرُ عَبْدٌ عَبْدًا فِي الدُّنْيَا إِلَّا سَتَرَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Банда бошқа бир банданинг айбини шу дунёда беркитар экан, Аллоҳ Қиёмат куни унинг айбини беркитади», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Муслмон одам биродарлари айбини қидирмасдан, балки уларнинг айбини яширади. Ас- Саттор- Аллоҳнинг гўзал исмларидан бўлиб, У Зот бандаларининг айбларини яшириб, камчиликларини ёпувчидир дегани. Кимки муслмонларнинг айбларини яширса, Аллоҳ Қиёмат куни одамлар олдида унинг айбини яширади, шармандаликдан асрайди. Яшириш деганда ҳақни ва одамларнинг ҳуқуқларини зое қилишни тушунмаслик керак. Аллоҳга нисбатан гуноҳ қилганни айбларини фош қилиб, шарманда қилмасдан яшириш ижобий хислат, мумкин бўлган ҳолат. Аммо бандаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўладиган ҳолатда эса айбу камчиликни яширмасдан, рўйирост гапирилади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Муслмон кимса биродарининг айбларини яшириб, одамлар олдида шарманда қилмайди.
2. Муслмон киши биладики, бошқа муслмоннинг айбини яширишнинг мукофоти- Аллоҳ Қиёмат кунида унинг ҳам айбини яшириши билан бўлади. Чунки мукофот ўша амалнинг жинсидан бўлади.
3. Муслмон киши одамларнинг айбини яширади, чунки бу амални Аллоҳ севади.
4. Муслмон киши одамларнинг айбини яширар экан, уларнинг уят нарсаларини фош қилмаслиги ундан ҳам муҳимдир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI